
Қува туманида ўтказилган ифторлик тадбири

Моҳи Рамазон меҳр-оқибат ва хайр-саҳоват оyi ҳисобланади. Бундай муборак кунларда инсонлар маънан ва руҳан покланадилар. Ўзарo ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби фазилатлар кўпроқ намоён бўлади. Айниқса маҳаллаларда кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож, якка ёлғизлар ҳолидан хабар олинади.

Туманимизнинг барча ҳудудларда шу муборак кунларда эҳтиёжманд оилаларга меҳр-оқибат кўрсатилиб, бу хайрли тадбирлар давом этмоқда.

Ана шундай саҳоват тадбирлари туманимизнинг Акбаробод ҳамда Мустақиллик маҳаллаларида ўтказилди. Маҳалла гузарида ташкил этилган ифторлик тадбирларида маҳалла фаоллари, кам таъминланган оила вакиллари иштирок этди. Йиғилганлар дастурхонга тортилган ноз-неъматлардан танаввул қилишиб, тинч ва осойишта юртимизга шукрона келтиришиб, дуо-фотиҳалар қилишди.

Шу куни ҳудуддаги кам таъминланган оилалар, якка ёлғизлар ҳолидан хабар олиниб, озиқ овқат маҳсулотлари тарқатилди.

2023-03-28 09:22:49